



**ЎЗБЕКИСТОН ХАЛҚ ХЎЖАЛИГИНИ БОШҚАРУВ ТАШКИЛОТИ ТАРИХИ
ХУСУСИДА (1950-1960 ЙИЛЛАР).**

И.М.Хайдаров

Тарих фанлари доктори, доцент

Тошкент давлат шарқшунослик университети

Калит сўзлар: халқ хўжалиги кенгаши, тармоқ бошқармалари, оғир саноат, энергетика хўжалиги, машинасозлик саноати, бинокорлик материаллари саноати, озиқ-овқат саноати, енгил саноат бошқармалари.

Аннотация: Мазкур мақола 1950-1960 йилларда Ўзбекистон халқ хўжалиги бошқарув ташкилоти тарихига бағишланган.

**ON THE HISTORY OF THE ORGANIZATION OF MANAGEMENT OF THE
NATIONAL ECONOMY OF UZBEKISTAN (1950-1960).**

I.M. Khaydarov

Doctor of Historical Sciences Docent,

Tashkent State University of Oriental Studies

Key words: Council of National Economy, network departments, heavy industry, energy management, mechanical engineering, building materials industry, food industry, light industry departments.

Abstract: This article is devoted to the history of the organization of the management of the national economy of Uzbekistan in 1950-1960.

**К ИСТОРИИ ОРГАНИЗАЦИИ УПРАВЛЕНИЯ НАРОДНЫМ ХОЗЯЙСТВОМ
УЗБЕКИСТАНА (1950-1960).**

И.М. Хайдаров

доктор исторических наук, доцент

Ташкентский государственный университет востоковедения

Ключевые слова: Совет национальной экономики, сетевые департаменты, тяжелая промышленность, управление энергетикой, машиностроение, промышленность строительных материалов, пищевая промышленность, департаменты легкой промышленности

Аннотация: Данная статья посвящена истории организации управления народным хозяйством Узбекистана в 1950-1960 годах.

КИРИШ

Яқин ўтмиш – совет давридаги воқеа-ходисалардан тегишли сабоқ чиқариш, йўл қўйилган хатолар моҳиятини чуқур англаш давр талаби ҳисобланади. Ўзбекистон Республикасининг Биринчи Президенти И.А.Каримов ўлкада ҳукм сурган совет бошқарувининг салбий моҳиятини шундай изоҳлаган эди: “30-йилларнинг бошларида иқтисодийга раҳбарлик қилишнинг маъмуриятчилик, буйруқбозлик усуллари ғалаба қозониб, Ўзбекистонни, унинг ишлаб чиқарувчи кучларини ривожлантиришга яроқсиз ёндашувлар тобора қарор топиб борди. Хўш, бу иллатлар нималарда номоён бўлди? Аввало шундаки, бизнинг республикамиз асосан хом ашё базаси, саноат министирликлари ва идораларининг мўмай хом ашё манбаи деб ҳисобланар эди. Ўлканинг маҳаллий, ижтимоий-иқтисодий хусусиятларига баъзан етарлича, баъзан мутлақо баҳо берилмади, баъзан эса бу хусусиятлар писанд ҳам қилинмади”¹.

МУҲОКАМА

Халқ хўжалигида юзага келган ўзгаришлар саноат ва қурилишни бошқарадиган органлари тузилмасини ўзгартиришга мажбур этди. Коммунистлар партиясининг (1957 йил февраль) пленумида саноат ва қурилишга раҳбарлик қилишнинг ташкилий формаларини қайта қуриш тўғрисидаги таклифни мақуллаган эди. Шундан сўнг СССР Олий Советининг еттинчи сессияси “Саноат ва қурилишни бошқаришни ташкил этишни янада такомиллаштириш тўғрисида” қонун қабул қилди. Ана шундан сўнг Ўзбекистон ССР Олий Совети қабул қилган қонунга мувофиқ республика ҳудудида тўрт иқтисодий-маъмурий район: Тошкент, Фарғона, Самарқанд ва Қорақолпағистон иқтисодий-маъмурий районлари ташкил этилди².

Шу иқтисодий районларнинг ҳар бирида республика Министрлар Советига бевосита бўйсунадиган халқ хўжалик кенгашлари тузилди.

Ўзбекистон ССРда ташкил тузилган тўртта халқ хўжалик кенгашлари раҳбарликни бевосита саноат корхоналарига яқинлаштиришга имкон яратиши керак эди. Уч иқтисодий районда – Тошкент, Фарғона, Самарқанд иқтисодий районларида халқ хўжалик кенгашлари саноат корхоналарига тармоқ бошқармалари ва бевосита раҳбарлик қилди. Тармоқ бошқармалари 1960 йил 1 июлдаги Ўзбекистон КП МҚ ва Ўзбекистон ССР Министрлар Советининг қарорига кўра ташкил этилиб³, у халқ хўжалиги кенгаши таркибига киритилди ва ўз фаолиятида СССР ва Ўзбекистон ССР қонунлари асосида иш

¹ Каримов И.А. Ўзбекистон мустақилликка эришиш остонасида. – Тошкент: Ўзбекистон, 2011 йил. – Б. 168.

² Муҳидинов Н.А. Ўзбекистон ССРда саноат ва қурилишни бошқаришни ташкил этишни янада такомиллаштириш тўғрисида. – Тошкент: Ўздавнашр, 1957, 4-22 бетлар.

³ Бу ҳақда батафсил қаранг: ЎЗР МДА. 2384-фонд, 1-рўйхат, 16-йиғма жилд, 130-138 varaқлар; ЎЗР МДА. 2384-фонд, 1-рўйхат, 21-йиғма жилд, 228-233 varaқлар; ЎЗР МДА. 2384-фонд, 1-рўйхат, 18-йиғма жилд, 216-222 varaқлар; ЎЗР МДА. 2384-фонд, 1-рўйхат, 16-йиғма жилд, 167-171 varaқлар; ЎЗР МДА. 2384-фонд, 1-рўйхат, 18-йиғма жилд, 250-257 varaқлар.

юритди. Қорақолпағистон иқтисодий районида халқ хўжалиги кенгаши хузурида тармоқ бошқармалари тузилмай балки, саноат корхоналари бевосита халқ хўжалиги бўйсунарди.

Ҳар бир халқ хўжалиги кенгашининг структураси ҳар бир иқтисодий райондаги саноатнинг хусусиятларига мувофиқликни таъминлашни кўзда тутишга ҳаракат қилинган эди.

Масалан, Тошкент иқтисодий-ҳудудий районининг халқ хўжалиги кенгаши таркибида 7 та тармоқ бошқармаси: оғир саноат, энергетика хўжалиги, машинасозлик саноати, бинокорлик материаллари саноати, озиқ-овқат саноати, енгил саноат бошқармалари ҳамда пахта ва луб экинларини тайёрлаш ва қайта ишлаш бошқармаси ташкил этилган.

Оғир саноат бошқармаси кўмир саноатига, қора ва рангли металлургия корхоналарига ва конларига ҳамда химия заводларига раҳбарлик қилди.

Машинасозлик саноати бошқармаси қишлоқ хўжалик машинасозлиги, тўқимачилик, химия, озиқ-овқат машинасозлиги ва оғир машинасозлик корхоналарига, қурилиш ва йўл машинасозлиги заводларига, электротехника ва радиотехника саноати корхоналарига раҳбарлик қилди. Ҳар хил профилдаги корхоналарнинг бир бошқармага бўйсундирилиши бу бошқарма олдига жиддий талабларни кўйиб, унинг устига катта масъулиятни юклаган.

Энергетика хўжалиги бошқармаси эса электростанциялар министирлигининг мавжуд “Ўзбекэнерго” район бошқармаси базасида ташкил этилиб, бу бошқарма Тошкент энергетика тизими таркибига кирган электростанциялар, корхоналар ва ташкилотларга раҳбарлик қилди.

Бекобод ва Оҳангарон цемент заводлари, Чирчиқ ойна заводи, Тошкентдаги ўтга чидамли буюмлар ва бинокорлик материаллари заводлари ҳамда Тошкент шаҳридаги ва Тошкент областидаги барча ғишт заводлари, уларнинг қайси идорага қарашли бўлганидан қатъи назар, Тошкент халқ хўжалиги кенгашининг бинокорлик материаллари саноати бошқармасига берилган эди. Шунингдек, қурилаётган темир бетон плита заводлари, керамик блоклар ва ичи қавак ғишт ишлаб чиқарадиган заводлар ҳам шу бошқармага топширилганди.

Енгил саноат бошқармасининг иш ҳажми жуда катта бўлиб, Тошкент тўқимачилик комбинати, барча тикувчилик ва пойафзал корхоналари, кўн ўрнида ишлатиладиган материаллар ишлаб чиқарувчи корхоналар. Кўн заводлари ва бошқа шу каби корхоналар шу бошқармага топширилди. Ўша пайтда бу бошқарма қарамоғида ялпи маҳсулот ҳажми қарийиб 1,3 миллиард сўмга баробар бўлган 23 саноат корхонаси бор эди.

Озиқ-овқат саноати бошқармаси 46 саноат корхонасини ва боғдорчилик-узумчилик бирлаштирди. Улар орасида ёғ заводлари, ёғ-экспелар ва консерва заводлари, макарон фабрикалари, ипакчилик корхоналари, тамаки ва кондитер ҳамда бошқа кўп корхоналар, шунингдек ғўшт ва сут тайёрлаш ташкилотлари бор эди.

Пахта ва луб экинларини тайёрлаш ва дастлаб қайта ишлаш бошқармаси 22 корхона – пахта тозалаш заводлари ва уларнинг тайёрлаш шахобчаларини, жут-каноп заводларини ва пахта тозалаш саноати учун қоп-қанорлар ишлаб чиқарадиган Тошкент каноп фабрикасини бирлаштирган эди. Тошкент Халқ хўжалиги кенгашига қарашли корхоналарда жами 140 мингга яқин меҳнаткашлар ишлаган.

Фарғона иқтисодий-маъмурий райони халқ хўжалиги кенгашининг структураси Тошкент халқ хўжалиги кенгашининг тизимидан бир мунча фарқ қилган. Бу халқ хўжалиги кенгашида машинасозлик саноати бошқармаси ва бинокорлик материаллари саноати бошқармаси йўқ эди. Машинасозлик заводлари ва бинокорлик материаллари саноати корхоналари оғир саноат бошқармаси таркибига кирган. Фарғона иқтисодий-маъмурий райони халқ хўжалиги кенгашида оғир саноат бошқармаси Тошкент иқтисодий районининг халқ хўжалиги кенгашидаги шу хил бошқармадан фарқ қилган, чунки бу бошқармага химия, нефть тозалаш ва нефть чиқариш саноати корхоналари. Машинасозлик

саноати корхоналари, Қувасойдаги йирик цемент ва шифер заводлари ҳамда бинокорлик материаллари саноатининг бошқа корхоналари ҳам кирган. Енгил саноат бошқармаси таркибига Марғилон ипакчилик комбинати, Фарғона тўқимачилик комбинати каби йирик корхоналар ва бошқа кўплаб корхоналар ҳам кирган. Пахта ва луб экинларини тайёрлаш ва дастлабки қайта ишлаш бошқармаси 20 та пахта тозалаш заводи ва уларнинг тайёрлаш пунктларини бирлаштирган эди.

Самарқанд иқтисодий-маъмурий районининг халқ хўжалиги кенгаши ўз жиҳатидан структураси Фарғона иқтисодий-маъмурий райони халқ хўжалиги кенгашидан деярли фарқ қилмади. Бу халқ хўжалиги кенгашида бинокорлик материаллари саноати бошқармаси ташкил этилган эди.

Қорақолпағистон иқтисодий-маъмурий райони халқ хўжалиги кенгаши бир босқичли, яъни халқ хўжалиги кенгаши – корхона белгиси билан ташкил қилиниб, саноатни бошқаришни ҳудудий принцип асосида ташкил этиш намунаси бўлди. Бу иқтисодий районда халқ хўжалиги билан корхона ўртасида ораликдаги бўғин йўқлиги раҳбарликни бевосита корхонага яқинлаштириши керак эди⁴.

Орадан вақт ўтиши билан Ўрта Осиёдаги тўрт миллий республикада ҳам алоҳида-алоҳида халқ хўжалиги кенгашлари ташкил қилинди. Кейинчалик эса (1963 йилдан), улар ўрнига ягона Ўрта Осиё халқ хўжалик кенгаши ташкил қилинди. Шу билан бирга, халқ хўжалигига партиянинг раҳбарлигини кучайтириш мақсадида КПСС МҚнинг Ўрта Осиё бюроси ҳам тузилди. Ўлкадаги халқ хўжалиги тармоқларларининг алоҳида соҳаларига раҳбарликни кучайтириш мақсадида Ўрта Осиё миқёсида яна бир неча турли органлар: Ўрта Осиё пахтачилик бошқармаси, Ўрта Осиё суғориш ва совхозлар қурилиши бош бошқармаси, Ўрта Осиёда капитал қурилиш ишларига раҳбарлик қиладиган “Средазстрой”, шунингдек, халқ хўжалигини режалаштириш ва уни бажарилиши устидан назорат қиладиган Ўрта Осиё режа комиссияси ва статистика бошқармалари ташкил этилди.

Умуман айтганда санатни халқ хўжалик кенгашлари орқали бошқариш ташкил этилганида саноат ишлаб чиқаришини ихтисослаштириш ва кооперативлаштириш имконияти иқтисодий район доирасидагина келмади. Саноатнинг турли тармоқларидаги корхоналар учун ускуналарни ремонт қилиш, ишлаб чиқариш бўйича ихтисослаштирилган умумий заводлар барпо этилди, район корхоналаридаги кооперация алоқалари йўлга қўйилди.

Бироқ, вақт ўтиши билан саноатни бошқарининг мазкур системасида иқтисодиётни ривожлантиришга ҳалақит берувчи жиддий камчиликлар номоён бўлиб борди.

Халқ хўжалиги кенгашлари орқали бошқариш системасининг асосий камчилиги шундан иборат эдики, техника жиҳатдан яхлит бир бутунни ташкил қилувчи саноат тармоқларини бошқариш иқтисодий маъмурий районлар бўйича тарқатиб юборилган эди. Раҳбарликнинг сусайиши натижасида турли иқтисодий маъмурий районларда жойлашган корхоналар ўртасида тармоқлар бўйича ихтисослаштиришга ва рационал ишлаб чиқариш алоқаларининг ривожланишига путур етказган эди.

Халқ хўжалиги кенгашлари орқали бошқаришни ташкил этиш ишлаб чиқаришнинг фандан ажралиб қолишга, шунингдек кадрлар ҳамда лойиха ва конструкторлик бюроларнинг тарқоқ ҳолда ишлашга олиб келди. Лойиҳалаш-конструкторлик бюроларининг корхоналардан ажралиб қолиши уларнинг корхоналарни лойиҳалаш ва реконструкция қилиш сифати учун, техниканинг янги намуналарини ишлаб чиқариш учун масъулиятининг камайишига олиб келди. Шу сабабли, бир қанча ҳолларда лойиҳалаш ташкилотлари аслини олганда қолақ техника яратиб, сифатсиз конструкцияларни кўплаб ишлаб чиқаришга топширдилар, сўнгра эса, уларга кўпдан-кўп ўзгартиришлар киритдилар. Масалан, пахтачилик машиналари бўйича давлат махсус конструкторлик

⁴ Бу ҳақда батафсил қаранг: Рудин А. Ўзбекистон саноатини бошқаришни қайта қуришдаги вазифалар. // Ўзбекистон коммунисти, 1957, № 7, 11-16 бетлар.

бюроси ХТ-1,2 пахта териш машинаси конструкциясига 1964 йилда қарийб 5 минг, 1965 йили эса 2,5 мингга яқин ўзгартириш киритган.

Корхоналарнинг бошқаришнинг худудий системаси мавжуд бўлганида, уларнинг хўжалик фаолиятини пиланлаштириш ҳам кўп босқичли ва ғоят мураккаб бўлиб қолган эди. Масалан, шуни айтиш кифояки, корхона ишлаб чиққан режа лойиҳасини Халқ жўжалиги кенгашининг тармоқ бошқармаси, республика давлат режа комиссияси, республика ва иттифоқ аҳамиятига эга бўлган 33 ташкилот кўриб чиқар эди.

Режалаштиришнинг кўп босқичли бўлиши режа тузиш муддатларининг чўзилиб кетишига ва уларнинг техника-иқтисодий жиҳатдан асосланишининг заифлашувига олиб келар, муҳим масалаларнинг ҳал этилишини кечиктириб юборар эди. Хусусан, Тошкент ГРЭСИ, Намангандаги шойи ва костюмбоб газламалар комбинати, Охонгарон дарёсининг доимий оқова канали ва бошқа объектлар қурилишини режага киритгунча бир неча йил ўтиб кетди. Буларнинг ҳаммаси халқ хўжалигига катта зарар етказди.

Иккинчи томондан, саноат тараққиёти технология ва техниканинг ривожланиши, ишлаб чиқариш ва меҳнатни ташкил этиш жиҳатдан ўзаро фарқ қиладиган айрим ишлаб чиқариш тармоқларига тобора аниқ бўлинишга олиб келдики, бу тармоқлар ўзига хос йўллар билан ривожланди. Саноатнинг ҳар бир тармоғига илмий-техника ютуқларини тадбиқ этиш, кадрлар тайёрлаш ва уларни ўстиришнинг ўзига хос томонлари бор эди. Ваҳоланки, саноатни халқ хўжалиги кенгашлари орқали бошқариш системаси айрим тармоқларнинг ривожланишига зид келиб қолди ва маҳаллий тенденцияларни кучайтириб борди. Саноатни худудий жойлаштиришнинг кўпгина масалалари маҳаллий манфаатлардан келиб чиқиб ҳал этилмади, чунки халқ хўжалиги кенгашлари, аввало, ўз районидаги саноатини ривожлантиришдан биргина ўзи манфаатдор эмас эди. Шунинг учун саноатнинг районлар бўйича ривожланишидаги тўғри нисбатлар бузилди, ёқилғи, электр энергияси билан таъминлаш ҳамда айрим шаҳарлар аҳолисига аҳолисига коммунал хизмат кўрсатиш соҳасида жиддий қийинчиликлар вужудга келди, баъзи вилоятларда меҳнат ресурсларидан энг рационал фойдаланиш таъминланмади⁵.

Бошқаришнинг худудий системаси ва режалаштиришдаги туб камчиликлар капитал маблағларнинг самарасини камайтирди, меҳнат унумдорлигининг ўсишини, маҳсулот ишлаб чиқаришни анча сусайтирди.

НАТИЖАЛАР

Шундай қилиб, саноатни худуд принципи бўйича бошқариш ўз вақтида маълум ижобий ролни ўйнамай, эскириб қолди ва халқ хўжалиги олдида турган катта вазифаларни муваффақиятли ҳал этишни таъминлай олмай қолди.

Ўзбекистондаги халқ хўжалиги кенгаши ҳам 100 дан ортиқ саноат тармоғига эга бўлган 1500 дан ортиқ корхонани бирлаштирган ҳолда иш олиб борди. Бундай ҳаддан ташқари марказлаштириб раҳбарлик қилиш ҳам ўз давридаёқ ҳаётда ўзининг салбий томонларини кўрсатди.

Шу нарсани алоҳида қайд этиш керакки, халқ хўжалигини бошқариш марказий органларининг ташкил этилиши ва улар юритган фаолиятнинг жуда кўп салбий томонлари бўлди. Жумладан, Ўрта Осиё халқ хўжалик кенгаши (1963-1964 йиллар)нинг икки йиллик фаолияти таҳлили шуни кўрсатадики, бу органнинг ҳаддан ташқари йириклашиб кетгани, ишлаб чиқариш устидан амалда бевосита раҳбарлик қила олмаслигини исботлади.

Шу туфайли ҳам орадан ҳеч қанча вақт ўтмай КПСС МҚнинг сентябрь (1965 йил) пленуми 1957 йилдан то 1965 йилгача майдонга келган халқ хўжалигини бошқариш органлари ўрнига янги асосда иқтисослашган саноат министрликларини ташкил қилди.

ХУЛОСА

⁵ Шарифхўжаев М, Йўлдошев Ш. Хўжаликни бошқаришнинг иқтисодий методлари. – Тошкент: Ўзбекистон, 1966. – Б. 4-5.

Хулоса шуки, совет ҳокимияти ўрнатилган дастлабки кунлардан бошланган ягона халқ хўжалик комплексини яратиш ҳамда кейинги йилларда уни мустаҳкамлаш учун олиб борилган сиёсат Совет Иттифоқи таркибига кирган республикаларни бир-бирига чамбарчас боғлаб, уларнинг иқтисодий жиҳатдан Марказга тўла бўйсундирилишига олиб келди. Ўзбекистон халқ хўжалигининг ҳам Марказ томонидан бошқарилиши ўзбек халқининг ҳақ-хуқуқларини эҳтиёж ва манфаатларини менсимаслик асорати салбий оқибатларни юзага келтирди.

Фойдаланилган адабиётлар

1.Каримов И.А. Ўзбекистон мустақилликка эришиш остонасида. – Тошкент: Ўзбекистон, 2011 йил. – Б. 168.

2.Муҳидинов Н.А. Ўзбекистон ССРда саноат ва қурилишни бошқаришни ташкил этишни янада такомиллаштириш тўғрисида. – Тошкент: Ўздавнашр, 1957, 4-22 бетлар.

3.ЎзР МДА. 2384-фонд, 1-рўйхат, 16-йиғма жилд, 130-138 varaқлар; ЎзР МДА. 2384-фонд, 1-рўйхат, 21-йиғма жилд, 228-233 varaқлар; ЎзР МДА. 2384-фонд, 1-рўйхат, 18-йиғма жилд, 216-222 varaқлар; ЎзР МДА. 2384-фонд, 1-рўйхат, 16-йиғма жилд, 167-171 varaқлар; ЎзР МДА. 2384-фонд, 1-рўйхат, 18-йиғма жилд, 250-257 varaқлар.

4.Шарифхўжаев М, Йўлдошев Ш. Хўжаликни бошқаришнинг иқтисодий методлари. – Тошкент: Ўзбекистон, 1966. – Б. 4-5.